

# ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРДАН АҲОЛИ МАМНУН

“Кегайли” магистрал каналининг Чимбой тумани марказидан оқиб ўтадиган 2,5 км қисмини бетонлаш 2020 йил инвестиция дастурига киритилган. Ҳозирги кунда “Бунёдкор Мерос” масъулияти чекланган жамияти томонидан бу ерда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 30 нафар қурувчи, 3 дона экскаватор, 4 дона “МАН” русумли юк ташиш автомашинаси, 1 дона тупроқ зичловчи маҳсус механизм жалб этилган.

“Кегайли” магистрал каналининг Чимбой тумани марказидан оқиб ўтувчи қисми тўлиқ бетонлаштирганидан сўнг, каналда сув йўқотилиши камаяди, шу билан бирга ҳудуддаги аҳолининг ҳам бир неча муаммоси ҳал бўлади. Негаки, бу каналнинг вегетация даврида тўлиб оқиши туман марказидаги “Жипек жоли” ва “Кўкши қалъа” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида зах сувларнинг кўтарилишига олиб келарди.

2020-2022 йиллар давомида мазкур канални реконструкция қилиш ва қурилиш ишларини олиб боришга жами 11 миллиард 130 миллион сўм ажратилиши белгиланган. Амалга оширилаётган ишлардан Чимбой тумани аҳолиси, айниқса, каналга яқин ҳудудда яшовчи одамлар мамнун бўлишмоқда.





F.ОТАЖНОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби

манба:[www.water.gov.uz](http://www.water.gov.uz)